

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2022 йил январь ойининг 24 куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати Олий суд биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: судья Б.Исламов,

ҳайъат аъзолари: судьялар Н.Раҳманов ва А.Игамбердиевдан иборат таркибда, А.Раҳматовнинг котиблигида, даъвогарнинг иштирокида, даъвогар Садриддин Баҳриддинович Саломовнинг жавобгарлар Мадинабону Садриддиновна Саломова, Малика Садриддиновна Саломова ва Насибжон Ишметовага нисбатан уй-жойни натура ҳолда қолдириш ва улушларни тугатиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2020 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 22 июндаги ажримига нисбатан даъвогар С.Саломовнинг кассация шикоятини фуқаролик иш ҳужжатлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар С.Саломов судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, 10-уй, 9-хонадонни ўзига натура тарзда қолдиришни, жавобгарлар Мадинабону ва Малика Саломова ҳамда Н.Ишметованинг ушбу хонадондаги улушларини тугатишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2020 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар С.Саломовнинг даъво талабини қаноатлантириш рад қилинган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 22 июндаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шикоятда, суд қарорларини бекор қилиб, даъво талабларини қаноатлантириш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича маърузани, даъвогарнинг тушунтиришларини тинглаб, шикоятдаги важларни иш материаллари асосида муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар С.Саломов ва З.Саломова (Маҳкамова) 2009 йил 7 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган. Уларнинг биргаликдаги турмушларидан икки нафар 2004 йил 1 декабрда туғилган Мадинабону ва 2006 йил 16 октябрда туғилган Малика исмли фарзандлари бор.

Тарафлар биргаликдаги турмушлари даврида 2010 йил 7 декабрда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, 10-уй, 9-хонадонни С.Саломов номига ҳамда 2012 йил

28 ноябрда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 мавзеси, 29-уйнинг 7-хонадонни 3.Саломова номига сотиб олганлар.

Зухра Саломова 2016 йил 11 мартда вафот этган.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2018 йил 10 майдаги ҳал қилув қарорига асосан, даъвогар Н.Ишметованинг жавобгар С.Саломовга нисбатан меросхўр деб топиш, мерос улушини белгилаш ҳақидаги, олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда хонадонларни умумий мулк деб топиш ҳақидаги кўшимча даъво талаблари қаноатлантирилган.

Жавобгар Н.Махзумованинг Ж.Хасанов, С.Саломов, давлат нотариал идорасига ҳамда Н.Ишметовага нисбатан инсофли сотиб олувчи деб топиш ҳақидаги қарши даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани 10-сонли Давлат нотариал идораси томонидан 2017 йил 26 сентябрда 2-1903-сонли реестр рақами билан қайд қилинган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, 10-уй, 9-хонадоннинг олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган ва ушбу олди-сотди шартномасининг тарафлари дастлабки ҳолатга келтирилиб, С.Саломовдан Д.Хасановнинг фойдасига 40.000.000 сўм ундириш белгиланган.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 3-сонли Давлат нотариал идораси томонидан 2017 йил 6 октябрда 4478-сон реестр рақами билан қайд қилинган, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, 10-уй, 9-хонадоннинг олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган ва ушбу олди-сотди шартномасининг тарафлари дастлабки ҳолатга келтирилиб, Д.Хасановдан Н.Махзумованинг фойдасига 40.000.000 сўм ундириш белгиланган.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, 10-уй, 9-хонадон ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, 29-уй, 7-хонадон С.Саломов ва 3.Саламованинг никоҳ даврида орттирилган умумий мулки деб топилиб, ҳар бирининг улуши $\frac{1}{2}$ қисмдан этиб белгиланган.

2016 йил 11 мартда вафот этган 3.Саламованинг мерос улуши тақсимланганидан сўнг 3 хонадан иборат, умумий майдони 62,60 кв.м, яшаш майдони 41,76 кв.м бўлган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, 10-уй, 9-хонадон ҳамда 1 хонадан иборат, умумий майдони 38,83 кв.м, яшаш майдони 16,80 кв.м бўлган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, 29-уй, 7-хонадондаги мулкдорларнинг улушлари аниқланиб, С.Саломовнинг улуши $\frac{5}{8}$ қисм, Н.Ишметова, Мадинабону ва Малика Саломованинг ҳар бирининг улушлари $\frac{1}{8}$ қисмдан этиб белгиланган.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, 10-уй, 9-хонадонга нисбатан С.Саломов, Н.Ишметова, Малика ва Мадинабону Саломованинг мулк ҳуқуқи Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2019 йил 14 январда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2019 йил 24 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Н.Махзумова, А.Уткуров, М.Уткурова, У.Ташпулатов, Д.Ташпулатова, С.Мирсобитова, Ш.Уткуроваларни Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, 10-уй, 9-хонадондан бошқа турар жой бермасдан кўчириш ва фойдаланиш

хукуқини йўқотган деб топиш белгиланган.

Шунингдек, шу суднинг 2020 йил 10 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар Н.Ишметованинг жавобгар Н.Махзумовага нисбатан уй-жойдан кўчириш ҳақидаги даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, Ташпулатов Мирсобит ва Ташпулатова Саида Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, 10-уй, 9-хонадондан бошқа турар жой бермасдан кўчириш белгиланган.

Даъвогар С.Саломов даъво талабида низоли хонадондаги улуши жавобгарларникига нисбатан кўпроқ эканлигини асос сифатида кўрсатиб, хонадонни ўзига натура тарзда қолдиришни ва жавобгарларни улушларини тугатишни талаб қилган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатларидан келиб чиқиб, жавобгарларнинг низоли хонадонда вояга етгунга қадар яшаш ҳуқуқи сақланиб қолганлигини, ушбу уйнинг сотилиши ва бошқа нотариал ҳаракатлар амалга оширилиши ман этилганлигини эътиборга олиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суд хулосаси билан келишган ҳолда уни ўзгаришсиз қолдирган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223-моддасига кўра, улушли мулк иштирокчилари умумий мол-мулкни тақсимлаш ёки улардан бирининг улушини ажратиш усули ва шартлари тўғрисида келишувга эриша олмасалар, улушли мулк иштирокчиси ўз улушини асл ҳолида ажратиб беришни суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар улушни асл ҳолида ажратиб олишга қонун йўл қўймаса ёки уни умумий мулк бўлган мол-мулкка номутаносиб зарар етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлмаса, ажралиб чиқаётган мулкдор улушли мулкнинг бошқа иштирокчилари томонидан улушининг қиймати тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу модда асосида улушли мулк иштирокчисига асл ҳолида ажратиб берилаётган мол-мулкнинг унинг мулк ҳуқуқидаги улушига номутаносиблиги тегишли пул суммасини тўлаш ёки бошқача компенсация тўлаш йўли билан бартараф этилади.

Улушли мулк иштирокчисига унинг улушини асл ҳолида ажратиб бериш ўрнига бошқа мулкдорлар томонидан компенсация тўланишига иштирокчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Аниқланишича, Мирзо Улуғбек туман хокимининг 2020 йил 28 октябрдаги 304-сонли қарорига кўра, фуқаро Жамшид Джураевич Махкамов вояга етмаган жиянлари 2004 йил 1 декабрда туғилган Мадинабону Садриддиновна Саломова ҳамда 2006 йил 16 октябрда туғилган Малика Садриддиновна Саломованинг шахсий ҳамда мулкый ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳомий этиб тайинланган.

Мазкур қарорнинг 2-банди, 2-қисмида Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 мавзеси, 10-уй, 9-хонадонда вояга етмаганлар Мадинабону Садриддиновна Саломова ҳамда Малика Садриддиновна Саломованинг меросдан улуши бўлганлигини инобатга олган ҳолда, болалар вояга етгунга қадар шу манзилда яшаш ҳуқуқи сақланиб, ушбу уйнинг сотилиши ва бошқа нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ман этилган.

Гарчанд, даъвогар С.Саломов низоли хонадоннинг 5/8 қисмига мулкдор бўлса-да, жавобгарлар, яъни вояга етмаган Мадинабону ва Малика низоли

хонадонда яшаб келганлиги, юқорида қайд этилган Мирзо Улуғбек туман ҳокимининг қарори асосида низоли хонадонда улар вояга етгунларига қадар яшаш ҳуқуқи сақланиб, ушбу уйнинг сотилиши ва бошқа нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ман этилганлиги ҳамда жавобгарлар низоли хонадондаги улушларини натура тарзда даъвогарга қолдирилишига норози эканлиги кўринади.

Бундай ҳолатда низоли хонадонни даъвогарга натура ҳолатда қолдириш ва жавобгарларни хонадондаги улушини тугатиш вояга етмаган Мадинабону ва Маликанинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига мутлақо зид ҳисобланади.

Судлов ҳайъати даъвогар С.Саломовнинг иш бўйича суд-қурилиш экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномасини муҳокама қилиб, мазкур низо юзасидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масала мавжуд эмаслиги боис экспертиза тайинлашга асос йўқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати қуйи судларнинг даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад қилиш ҳақидаги хулосаларини қонуний, асосли ва адолатли деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-моддаси 1-бандига асосан мазкур иш бўйича қабул қилинган суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 419-моддасига қўлланиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Мазкур иш юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2020 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 22 июндаги ажрими ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик этувчи:

Б.Исламов

Ҳайъат аъзолари:

Н.Раҳманов

А.Игамбердиев

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”